



**А Ж Р И М**

(иш юритишни тугатиш тўғрисида)

23.03.2023 йил

Дўстлик шаҳри

4-1304-2302/342-сонли иш

Дўстлик туманлараро иқтисодий судининг судьяси О.Эргашевнинг раислигида, А.Исожоновнинг котиблигида, даъвогар “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Арнасой филиали манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг жавобгар “Арнасой пахта ғалла кластери” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан киритган даъво аризаси бўйича кўзғатилган иқтисодий ишни даъвогар вакили О.Тожибоев (ишончнома асосида)нинг иштирокида Дўстлик туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

**а н и қ л а д и :**

Даъвогар “Агробанк” акциядорлик тижорат банки манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Арнасой пахта ғалла кластери” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан кредит ҳисобига сотиб олинган Жиззах вилояти Арнасой тумани Олтин водий МФЙ ҳудудида жойлашган ер учаскаси кадастр рақами 13:01:03:02:02:014750001 бўлган кўчмас мулк биносини кредит таъминоти сифатида шартнома тузишга мажбурлашни сўраган.

Суд муҳокамасида иштирок даъвогар вакили тушунтириш бериб, даъво аризасидаги асос ва важларни қувватлаб, даъво талабини қаноатлантиришни сўради.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси даъво аризасида ишни ўзининг вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада, суд мажлисида жавобгар вакил иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддаси иккинчи қисмида иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг йўқлигида кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкинлиги, учинчи қисмида эса иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Ушбу ҳуқуқ нормасидан келиб чиқиб, суд мазкур низони Палата ва жавобгар вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб топди.



Суд, иш хужжатлари билан танишиб, ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, қўйидагиларга кўра иш юритишни тугатишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 47-моддасига кўра, ваколатхона юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган, юридик шахс манфаатларини ифодалайдиган ва уларни ҳимоя қиладиган алоҳида бўлинмасидир. Филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир. Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 13-сонли Қарорининг 22-бандига кўра, ИПК 110-моддасининг 1-бандига мувофиқ, агар иш иқтисодий судда кўриш учун тааллуқли бўлмаса, суд иш юритишни тугатади. Ишнинг иқтисодий судга тааллуқлилиги ИПК 25 ва 26-моддалари талабидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 25-моддаси биринчи қисми 1-бандига кўра, иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўриляётганда тарафлар бўлган фуқаролар (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар иқтисодий судга тааллуқли деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 110-моддаси 1-бандига кўра, иш судга тааллуқли бўлмаса, иш юритиш тугатилиши белгиланган.

Мазкур ҳолатда ушбу иқтисодий иш бўйича даъвогар “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Арнасой филиали юридик шахс мақомига эга эмаслиги ҳамда иш бўйича тараф бўлаолмаслигини инобатга олиб, суд иш юритишни тугатиш лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади; еттинчи қисмига кўра, давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим



этилган шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 18-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига кўра, агар иш судга тааллуқли бўлмаса, иш юритиш тугатилганда давлат божи тўлиқ қайтарилиши кўрсатилганлигидан келиб чиқиб даъвогардан давлат божи ундирмасликни, даъвогар томонидан тўланган 30.000 сўм почта харажатларини зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 110-111, 195-моддаларига асосланиб, суд

а ж р и м қ и л д и :

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Арнасой филиали манфаатида жавобгар “Арнасой пахта ғалла кластери” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан кредит ҳисобига сотиб олинган Жиззах вилояти Арнасой тумани Олтин водий МФЙ ҳудудида жойлашган ер участкаси кадастр рақами 13:01:03:02:02:014750001 бўлган кўчмас мулк биносини кредит таъминоти сифатида шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги даъвоси бўйича иш юритиш тугатилсин.

Олдиндан тўланган 30.000 сўм почта харажати “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Арнасой филиали зиммасида қолдирилсин.

Иш юритиш тугатилган тақдирда айти бир шахслар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан судга такроран муурожаат қилишга йўл қўйилмаслиги тарафларга тушунтирилсин.

Иш юритишни тугатиш тўғрисидаги иқтисодий суднинг ажрими устидан шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

**Судья**

**О.Эргашев**

